



## СТРУКТУРАЛ СИНТАКСИСДА ВАЛЕНТЛИ КОМПОНЕНТЛАР ТАХЛИЛИ

Асадов Рустам Муминович,  
СамДЧТИ PhD,

**Калит сўзлар:** валентлик, компонент таҳлил, юнкцион модель, синтаксем таҳлил, трансформацион метод, ядро предикатив, ноядровий предикатив, субординатив алоқалар.

Жаҳон лингвистика фанидаги тадқиқотларда анъанавий синтаксиснинг баҳсли масалаларини тизимли ўрганиш, валентлик назариясининг моҳиятини ёритишдаги семантик, лексик ва стилистик ёндашувларни бир-биридан фарқлаш, шунингдек, инглиз тили содда гап қурилмасида моновалентли ва поливалентли синтактик бирликларни аниқлаш тамойиллари каби муаммоларни ҳал этиш масаласида кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, валентлик назариясининг турли масалаларига бағишлиланган кўпчилик тадқиқотларда муаммо феълнинг лексик-семантик хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда тадқиқ этилган. Тилнинг фонологик, лексик ва семантик қатламлари билан бир қаторда синтактик валентлик ва синтактик бирликларнинг семантикасини аниқлаш борасида ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лингвистикада муҳим аҳамиятга эга бўлган синтактик сатҳда валентлик назариясига турли хил ёндашувлар мавжуд. Ушбу масалани тилдаги синтактик ва семантик сатҳ нуқтаи назаридан атрофлича ёритиш эҳтиёжи бу хусусда янгича ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш заруратини ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбек тилшунослигида ҳам валентлик назарияси бўйича тил сатҳлари доирасида тадқиқотлар асосан феълнинг лексик хусусиятларига таянган ҳолда олиб борилган. Тил бирликларининг лексик ва семантик валентлигининг ўрни ва аҳамиятини ўрганишда жиддий ютуқларга эришилган бўлса-да, синтактик сатҳда валентлик борасидаги монографик ишлар

нисбатан камчиликни ташкил қиласди. Шунингдек, гапни бўлакларга ажратиб таҳлил қилиш анъанавий усули ўзини тўлиқ оқламаётганлиги сабабли синтактик таҳлилнинг янгича усулларидан фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд. Мазкур тадқиқий мақолада синтактик сатҳда ҳар қандай мустақил сўз туркуми валентликка эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарашнинг моҳиятини гап таркибини замонавий тадқиқ методлари, яъни компонентларга ва синтаксемаларга ажратиш (моделлаштириш), трансформациянинг турли хил усулларидан фойдаланиш орқали очиб бериш долзарб муаммолар сирасига киради.

Ўзбек тилшунос-олимларидан А.А.Абдуазизов, Ш.С.Сафаров, Н.Қ.Турниёзов, И.Қ.Қўчкортоев, Р.Расулов, А.Нурмонов, С.Мухамедова, М.Миртохиров, У.И. Юлдашева, Ш.А.Ганиеваларнинг валентлик борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовор. Мазкур олимлар валентликни тилнинг турли сатҳларида ўрганишга ҳаракат килишган.

Гапни компонентлар ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш жараёнининг синтактик сатҳ миқёсидаги таҳлилини тилшунос-олимлар А.М.Мухин, Ў.У.Усмонов, Ш.С.Ашурев, Д.Т.Кубейсинова, М.Р.Жоллы-бекова, М.Облақуловаларнинг [8; 14; 2; 6; 4; 9] илмий тадқиқотларига таянган ҳолда амалга ошириб, синтактик валентликни куйидагича аниқладик: содда гап таркибида феълнинг қандай шакли бўлишидан қатъи назар бир синтактик алоқа асосида иштирок этган синтактик



бирлик (бунда сўз туркумининг аҳамияти йўқ) – бир валентли, икки синтактик алоқа асосида иштирок этган синтактик бирлик – икки валентли, уч синтактик алоқа асосида иштирок этган синтактик бирлик – уч валентли компонент ҳисобланади. Тилшуносликда синтактик таҳлил бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган бўлса-да, масалага ёндашувлар нуқтаи назаридан бизнинг ишимиз мавжуд тадқиқотлардан фарқ қиласди.

Мавзунинг амалий аҳамияти лингвистик методлар асосида таҳлил қилишда бакалавриат талабаларига «Назарий ва амалий грамматика», магистрантларга «Назарий грамматиканинг долзарб муаммолари», «Лингвистик методлар», «Таржима назарияси», «Қиёсий типология», «Синтактик семантика» каби фанлардан маҳсус курс ва семинар машғулотларида ҳамда мазкур соҳалар бўйича ўкув, услугбий қўлланмалар, дарслилар яратиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тилшуносликда валентлик тушунчаси биринчи марта рус тилшунос олими С.Д. Кацнельсон томонидан ишлатилиб, кўйидагича изоҳланади: «Сўзнинг гап курилмасида иштирок этиш жараёнида бошқа сўзлар билан маълум комбинация асосида бирикиши валентлик деб аталади» [5, 132]. Шундан буён рус тилшунослари С.Д. Кацнельсонга, Европа тилшунослари эса Л.Тенъерга эргашган ҳолда валентликни аниқлашга харакат қилиб келмоқда. Л.Тенъер валентликни аниқлашда «вербоцентризм» концепциясидан келиб чиқиб феълларни асосан тўрт гурухга бўлган:

1) нолга teng валентли феъллар: бу гурухга *to drizzle, to rain, to snow, to freeze* каби феълларни киритган.

2) бир валентли феъллар – ўтимсиз: *to doze, to travel, to bark, to blink, to cough, to faint* каби феълларни киритган.

3) икки валентли феъллар – ўтимли: *to answer, to attack, to begin, to grow, to keep, to love* каби феълларни киритади.

4) уч валентли феъллар: *to say, to tell, to give, to present* кабилар ҳисобга олинади [13, 156].

Бу таснифда асосан иштирокчилар иерархиясига таянилган: эга – биринчи, воситасиз тўлдирувчи – иккинчи, воситали тўлдирувчи – учинчи иштирокчилар ҳисобидан валентлик сони аниқланган, ҳол эса назардан четда қолган. Л.Тенъер томонидан берилган таъриф бўйича феъл асосида 20 тагача валентликка эга бўлиши мумкин деган ғоя илгари сурилган.

И.Эрбен эса гап курилмасида нафақат эга ва тўлдирувчи, балки ҳол, предикативли аниқловчи ва предикативлар ҳам феъл валентлигини аниқлашга ёрдам беради, деб содда гапни тўрт моделга бўлади:

1) бир валентли феълли: *the woman is napping*.

2) икки валентли феълли: *the cat caught a mouse*.

3) уч валентли феълли: *the mother teaches her daughter to sew*.

4) тўрт валентли феълли: *the father is writing a letter to his son with the pen* [15, 89].

Келтирилган мисолларда ҳам асосан феълга боғланиб келган субъект ва обьектлар сонидан валентлик аниқланган.

Х.Л.Сомерснинг фикрича, «...валентликка факат феъл доирасида ёндашиш, у бошқарадиган тўлдирувчилар сони билан чекланади, бу эса валентлик назариясини тўлиқ асослай олмайди» [16, 113]. Бундан ташқари, профессор А.М.Мухин: «Феълни ҳар доим гапнинг структур маркази деб қараш айрим ноаниқликларга олиб келади: биринчидан, феълнинг шахссиз шакллари синтактик бирлик ҳисобланавермайди, улар гап курилмасида ички синтактик алоқалар ёрдамида иштирок этсагина синтактик бирлик бўла олади. Бу гап от ва сифатга ҳам тааллуқли; иккинчидан, инглиз ёки рус тиллари мисолида феълсиз гаплар ҳам мавжудки, феъл гапнинг маркази деган ёндашув нуқтаи назаридан бундай гапларда валентликнинг ечимини топиш асло мумкин эмас; учинчидан, гап курилмасида валентлик тавсифидан



ташқари, феълларнинг лексик бирикиш хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг луғатларда берилган маъносини ҳисобга олмасдан валентлик ҳақида гапириш қийин» [7, 69], деб таъкидлайди.

Юқорида мисол тариқасида келтирилган гапларни валентлик нуқтаи назаридан бу йўсинда таҳлил қилишнинг сабаби, гап қурилмасида иштирок этган синтактик бирликларни синтактик сатҳда ўзаро боғлайдиган синтактик алоқаларнинг атрофлича тадқиқ қилинмаганлигидадир. Валентлик ҳодисасини функционал-синтаксис сатҳида, гап қурилмасида феълга ёки кесим вазифасида келган синтактик бирликка таяниб бир ёки икки валентли, кўп валентли, облигатор ёки факультатив валентли, кучли ва кучсиз валентли компонентларга ажратиш аниқ лингвистик методлар асосида пухта ёритилмаса, ҳар қандай тадқиқотчи валентликни синтактик сатҳда атрофлича ифодалашга ожизлик қиласди. Бу хусусда Ў.У.Усмонов: «Гап қурилмасида иштирок этган синтактик бирликларни гап бўлакларига ажратиб таҳлил қилиш эмас, балки компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш синтактик таҳлилнинг асосий моҳиятини очиб беради» [14, 105], деган мулоҳазани билдиради. Ҳақиқатан ҳам, гап қурилмасини компонентларга ажратиб таҳлил қилганда гап таркибини синтагматик йўналишда ҳамда синтактик бирликларнинг ўзаро алоқаларини юнкцион моделларда ва уларнинг дифференциал-синтактик белгилари ҳамда морфологик хусусиятларини компонент моделларда кўргазмали равишда ифода этиш зарур.

Синтактик алоқалар муаммоси бўлган бошқарув, битишив, мослашувларни тилшунослар синтактик алоқа деб таъкидлаб келишади, лекин мазкур алоқаларни тил сатҳларида қарайдиган бўлсан, мослашув морфологик, битишив ва бошқарув лексик алоқа эканлиги аён бўлади. Чунки мослашув асосан тилнинг морфологик сатҳида намоён бўлади. Шу боис мослашув морфологик алоқадир. Битишувга

берилган таърифларда сўз бирикмалари сатҳида эргаш ёки тобе сўзнинг бош ёки ҳоким сўз билан грамматик воситаарсиз, фактат ўрнига, оҳангига ва маъносига кўра бирикишига айтилади. Битишив алоқада тобе компонент ҳоким сўз билан маъно жиҳатдан боғланадиган бўлса, у синтактик алоқа эмас, балки лексик алоқадир. Бошқарувга сўз бирикмалари ёки гап қурилишида қаралганда, унинг феълга хос ҳодиса эканига эътибор қилмоқ лозим бўлади. Сўз бирикмалари таркибида ўтимли феъл келса, у албатта, ўзига объект талаб қиласди ва ўша объект ўтимли феъл томонидан бошқарилади, агар ўтимсиз феъл бўлса, у ўзига объект талаб қилмайди. Бу таърифдан маълум бўладики, бошқарув лексемаларнинг ўтимлилиги билан боғлиқ экан. Демак, у синтактик алоқа эмас, балки лексик алоқадир. Биз танлаган мавзуда, А.М.Мухин томонидан ишлаб чиқилган 7 та – ядро предикатив, субординатив, координатив, ноядровий предикатив, нолга тенг предикатив, интродуктив ва аппозитив – синтактик алоқалардан 5 та (ядро предикатив, субординатив, координатив, ноядровий предикатив ва аппозитив) синтактик алоқаларга таянган ҳолда, синтактик алоқалар базасида валентлик назариясига аниқлик киритишни мақсад қилдик. Синтактик валентлик синтактик алоқалар сонидан келиб чиқиб аниқланади, яъни гап таркибида ҳар бир синтактик бирлик валентликка эга бўлиши мумкинлиги юнкцион моделлар орқали исботланади. Агар улар бир синтактик алоқа асосида боғланган бўлса, бир валентли ёки моновалентли компонент; икки ёки уч синтактик алоқалар асосида иштирок этса, икки ёки уч валентли ёхуд поливалентли компонентлар деб аталади.

Бадиий адабиётлардан йиғилган мисоллар асосида бир валентли компонентлар гап қурилмасида ядро компонентлар ( $NP_1 \cdot NP_2$  – эга ва кесим) ва ноядровий тобе ( $ND$  – иккинчи даражали бўлак) компонент ўрнида келиши мумкинлиги аниқланган.

Қуйидаги мисол орқали ҳар учала синтактик алоқалар асосида иштирок этса, синтактик алоқалар асосида иштирок этса,



синтактик бирликларни юнкцион ва  
компонент моделлар асосида таҳлил қиласиз:

 <i>Walter's death had been a shock to her (SM, 202).</i>	Ю.М.1 $\overline{\text{ND}} \cdot \underline{\text{NP}_1} \cdot \underline{\text{NP}_2} \cdot \overline{\text{ND}}$ Sps cS prPnob К.М.1
---	--

Мазкур гап курилмасида ҳар бир синтактик бирлик бир валентли компонент ҳисобланади, чунки улар биттадан синтактик алоқага киришган. Ядро компонентлар – ядро предикатив 1 ( $\text{NP}_1$  - эга) ўрнида келган *death*, ядро предикатив 2 ( $\text{NP}_2$ ) ўрнида келган *had been a shock* синтактик бирликлар ўзаро ядро предикатив алоқа асосида боғланади. Ноядровий тобе (ND) компонент ўрнида келган синтактик бирликлар *Walter's* ва *to her* ҳам бир валентли компонентлар бўлиб, ядро предикатив 1 ( $\text{NP}_1$ ) - *death* ва ядро предикатив 2 ( $\text{NP}_2$ ) - *had been a shock* синтактик бирликлар билан субординатив алоқа асосида боғланган. Ядро предикатив 1 ( $\text{NP}_1$ ) ва ядро предикатив 2 ( $\text{NP}_2$ ) ўрнида келган синтактик бирликлар тобе компонентларга нисбатан ҳоким ёки таянч компонентлар ҳисобланади. Таҳлил қилингандеги ифодаланади: ND ўрнида келган синтактик бирлик *Walter's* - (Sps) қаратқич келишидаги от билан,  $\text{NP}_1$  ўрнидаги *death* - (S) бош келишидаги от,  $\text{NP}_2$  ўрнидаги *had been a shock* - (cS) боғлама феъл ва от, ND ўрнидаги *to her* - (prPnob) предлог ва объект келишигидаги кишилик олмоши билан ифодаланган.

Қўйида келтирилган мисолдаги ноядровий тобе компонентларни тусириб қолдириш трансформация ёрдамида аниқлаш мумкин:

*Walter's death had been a shock to her*  
 → ... *death had been a shock* ... .

Ноядровий тобе компонентларни тусириб қолдирсан ҳам, гапнинг асосий мазмuni сақланади. Бироқ, ядро компонентларни тусириб бўлмайди:

*Walter's death had been a shock to her*  
 ≠ *Walter's ... had been a shock to her* ≠  
*Walter's death ... to her.*

Трансформация ҳосиласидан кўриниб турибдики, ядро компонентлар

тушириб қолдирилса, гап мазмуни тушунарсиз бўлиб қолади. Шунингдек, компонентларнинг нафақат ҳоким бўлакларга, балки иккинчи бир тобе бўлакка нисбатан ҳам субординатив алоқа асосида боғланишини таҳлил қилдик.

Инглиз тили содда гап курилмасида синтактик бирликлар уч синтактик алоқа асосида иштирок этса, уч валентли компонентлар ҳисобланади. Мавзу юзасидан йиғилган материалларни таҳлил килиб, уч валентли компонентлар, анъанавий атама билан айтганда, изоҳловчи ўрнида келиши ва уч синтактик алоқа асосида бошқа компонентлар билан боғланиши мумкинлигининг гувоҳи бўлдик. В.О.Павловнинг фикрича, улардан бири эксплицит тарзда (бевосита) аппозитив синтактик алоқа ёрдамида боғланса, қолган икки хил синтактик алоқалар имплицит тарзда (бильвосита) намоён бўлади [10, 19]. Имплицит тарзда боғланган синтактик алоқалар ва уларнинг дифференциал синтактик белгиларини трансформация методининг турли хил усусларидан фойдаланиб исботлаш мумкин.


Уч валентли компонентлар қўйида асосида таҳлил қилинганда келиши мумкин:

- Гап курилмасида *ноядровий тобе аппозитив предикатив 1 (NAP<sub>1</sub>) ўрнида келган* уч валентли элементлар таҳлил қилинганда, улар гапнинг ядро предикатив 1 компонентига ( $\text{NP}_1$  – эага) бевосита аппозитив алоқа асосида боғланса, бильвосита ядро предикатив 2 ( $\text{NP}_2$  – кесим) ва ядро предикатив 1 ( $\text{NP}_1$ ) компонентлари билан ядро предикатив алоқага кириши маълум бўлди. Демак, ноядровий аппозитив предикатив 1 ( $\text{NAP}_1$ ) компоненти битта аппозитив ва иккита ядро предикатив алоқа асосида боғланиш хусусиятига эга эканлиги туфайли уч валентли ҳисобланади. Буни қўйида




мисол таҳлили асосида кўргазмали ифодалаймиз: *Wouldn't you agree, Miss Ladram?* гапда *Miss Ladram* ноядровий аппозитив предикатив 1 ( $NAP_1$ )

компоненти ўрнида келган. Ушбу гапнинг юнкцион ва компонент модделларини куйидагича изоҳлаш лозим бўлади:



Мазкур гапда *Miss Ladram* синтактик бирликнинг уч валентли компонент эканини трансформация методи асосида куйидагича изоҳлаймиз:

(4) *Wouldn't you agree, Miss Ladram? → (4a) you are Miss Ladram.*




Демак, ушбу гап таркибида  $\overline{NAP_1}$  компоненти ўрнида келган *Miss Ladram* ядро предикатив 1 компоненти ўрнида келган *you* синтактик бирлик билан эксплицит тарзда аппозитив алоқа ёрдамида боғланса, имплицит тарзда ядро предикатив алоқага киришади. Шунингдек, имплицит тарздаги учинчи ядро предикатив алоқани аниқлаш мақсадида трансформация методининг ўрин алмаштириш усулидан

фойдаланилганда ядро предикатив 1 ( $NP_1$ ) ўрнида келган *you* компоненти билан ноядровий аппозитив предикатив 1 ( $NAP_1$ ) компоненти ўрнида келган *Miss Ladram* ни алмаштириш имконияти юзага келади:

(2) *Wouldn't you agree, Miss Ladram?*  
→(2б) *Wouldn't Miss Ladram agree?*  
трасформация натижасида қўйидагича кўриниш касб этади:

(2б) *Wouldn't Miss Ladram agree?*



2. Ноядровий аппозитив тобе ( $NAD$ ) компонент ўрнида келган уч валентли элементлар. Гап таркиби компонентларга ажратиб таҳлил қилинганда маълум бўлдики, уч валентли ноядровий аппозитив тобе компонентлар асосан атокли отлар билан ифодаланади. Ундан ташқари, ноядровий аппозитив тобе компонент ўрнида келган синтактик бирликларнинг уч валентли бўлиши эксплицит тарзда аппозитив алоқа ёрдамида содир бўлса, субординатив ва ядро предикатив алоқалари эса имплицит тарзда боғланиши трансформация методининг айрим усуслари ёрдамида кузатилди.

3. Уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $HNDP_2$ ) компоненти ўрнида келган уч валентли элементлар. Бадий

адабиётлардан йиғилган мисолларнинг таҳлилий натижасига кўра, уч валентли компонентлар гап курилмасида уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $HNDP_2$ ) компоненти ўрнида келганда, ўзаро координатив алоқада бўлиб, бошқа компонентлар билан яна иккита (субординатив ҳамда ноядровий предикатив) синтактик алоқа асосида боғланиши ва бу алоқаларнинг учаласи ҳам эксплицит тарзда намоён бўлиши исботланди. Натижада ядро икки карра предикатив 1 ( $NP_1 P_1$ ), ядро предикатив 2 ( $NP_2$ ), уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $HNDP_2$ ) компонентлар аниқланди. Уларнинг морфологик ифодаланиш усуслари турли-тумандир, улар тенг ва айирувчи боғловчилари ёрдамида боғланиши мумкин. Бундай гап



қурилмаларида ядро предикатив 1 ўрнида келган синтактик бирликлар ҳар доим иккι валентли бўлади. Чунки ядро предикатив 1 ( $NP_1$ ) компоненти ядро предикатив 2 ( $NP_2$ ) компоненти билан ядро предикатив, уюшиқ ноядровий тобе предикатив 2 ( $HNDP_2$ ) компонентлари билан ноядровий предикатив алоқага киришади.

Компонентларга ажратиб таҳлил қилиш гапларнинг ташқи, синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш эса ички қурилмасини қамраб олади. Аммо гапнинг ташқи ва ички (*surface and deep structure*) қурилмасини айрим тилшуносар трансформациянинг турли усуслари ёрдамида таҳлил қилишга ҳаракат қиласди: «*The surface structure*» деганда *the boy is sleeping* гап варианти тушунилса, «*The deep structure*» деганда *Is the boy sleeping?* сўроқ шакли тушунилади [17]. Бундай таҳлилда гапнинг формал томонлари эътиборга олиниб, уларни бевосита иштирокчиларга ажратиб таҳлил қилиш билан чекланади. Моновалентли ва поливалентли синтактик бирликлар иштирок этган гапларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда, асосан, категориал дифференциал синтактика-семантик белгилардан субстанциаллик (шахс ёки предметни ифодаловчи синтактик бирлик), процессуаллик (иш ҳаракатни ёки ҳолатни ифодаловчи синтактик бирлик) ҳамда квалификативлик (сифат, ҳажм, миқдор, даража, ҳолат кабиларни ифодаловчи синтактик бирлик), нокатегориал синтактика-семантик белгилардан агентивлик, объект, акционаллик, локативлик, аллативлик, директивлик каби атамалардан фойдаланилди. Мазкур таҳлил асосида ҳар бир синтактик бирликнинг синтактик ўрнига кўра ифодалаган синтаксемалари, уларнинг категориал ва нокатегориал белгилари ва бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари очиб берилган.

Таҳлил натижасига кўра юқорида таъкидланган ўринларда келган бир валентли компонентлар, асосан, субстанциал агентив, субстанциал объект, процессуал акционал, квалификатив квалитатив, статив,

локатив каби синтаксемаларни ифодалаши тавсифланди. Бир валентли компонентлар ядро предикатив 1 ўрнида 11 та синтаксемани, ядро предикатив 2 ўрнида 9та синтаксемани, ноядровий тобе компонент ўрнида 14 та синтаксемаларни ифодалаши мумкинлиги далилланди.

Мазкур мисолларнинг таҳлилидан аён бўлишича, икки валентли компонентлар битта категориал ва иккита нокатегориал — белгини англатади. Жумладан,  $NDP_1$  ўрнида келган икки валентли компонентлар ифодалаган синтаксемалар ноядровий предикатив алоқа ёрдамида  $NP_2$  ўрнида берилган элементлар ифодалаган синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари мавжуд. Ҳар бир ўринда келган синтактик бирликларнинг бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари жадвалларда акс эттирилган. Уч валентли компонентларнинг синтаксем таҳлили аппозитив алоқага киришувчи уч валентли синтактик бирликларнинг категориал ва нокатегориал дифференциал синтактик семантик белгилари аниқланган. Мазкур соҳада тилшуносар фикрига эътибор берилса, изоҳловчили бирикмаларнинг ўзаро синтактик алоқаси хусусидаги турли хил қарашларга дуч келамиз. Айримлари улар орасидаги алоқани тобе боғланиш деб караса, бошқалари эса изоҳловчини от-атрибут хисоблаб, атрибут предикатив алоқа, деб номлади. Яна бир гурух тилшуносар эса аппозитив бирикмаларнинг компонентлари ўзаро тенг боғланишга эга, деб хисоблашади. Юқорида қайд этилган фикрларнинг барчасида изоҳловчи гап қурилмасида бошқа компонентлар билан бевосита боғлангани ҳакида гап боради. Е.Б.Аристова, А.Вальмис, А.Г.Руднев ва И.Г.Сапрыкиналарнинг илмий ишларида изоҳловчи бирикмалар ўзининг аниқловчисидан ташқари гапнинг бошқа компонентлари билан ҳам грамматик алоқага киришади [1, 10; 3, 12; 11, 52; 12, 22], деб қайд этилади.

Бироқ юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг баъзиларида изоҳловчининг эксплицит тарзда бевосита




боғланиши ҳақида гапирилса-да, имплицит тарзда – билвосита боғланиши хусусида ҳеч қандай фикр билдирилмайды. Бу ҳол изохловчининг гап қурилмасидаги роли фақат бир томонлама талқин қилинганидан далолат беради. Изохловчининг гап таркибида тутган синтактик ўрни, унинг синтактик бирликлар билан бевосита ва билвосита алоқалари, уларнинг синтагматик ҳамда парадигматик муносабатлари етарлича ўрганилмаса, унинг гапдаги ўрни атрофлича тадқиқ қилинмасдан қолаверади.

Қуйидаги гап қурилмасида ноядровий аппозитив предикатив 1 ( $NAP_1$ ) ўрнида келган изохловчи вазифасидаги уч валентли синтактик бирликни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш назарда тутилган. Содда қилиб айтганда,  $NAP_1$  ўрнида келган уч валентли элемент гапнинг эгасига нисбатан изохловчи вазифасини бажаради:

*The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram (RGH, 46).*

Берилган мисолда ядро предикатив 1 компоненти ўрнида келган *the woman* синтактик бирликка *Charlotte Ladram* синтактик бирлик бевосита аппозитив алоқа асосида боғланган. Лекин гапда изохловчи ўрнида келган синтактик бирлик ядро предикатив 2 ўрнида келган *was ... niece* компоненти билан ядро предикатив алоқа асосида билвосита боғланишини ўрин алмаштириш трансформацияси орқали кўрсатиш мумкин. Бу гап синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилинганда *Charlotte Ladram*



$\bar{NAP}_1$  компоненти ўрнида келган синтаксемалар ядро предикатив алоқа асосида тўрт хил синтаксемалар билан боғланиши мумкин:

1) субстанциал идентификацияловчи агентив синтаксема – субстанциал идентификацияланувчи акционал модал негатив синтаксема ҳамда – акционал


компоненти аппозитив алоқа асосида субстанциал идентификацияловчи ( $Id_2$ ) синтаксемани ифодалashi аён бўлади. Бунинг исботи қуйидаги тушириб қолдириш ва ўрин алмаштириш усули орқали тасдиқланади:

*The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram → The woman was Charlotte Ladram:  $Id_1 \cdot Id_2$ .*

Берилган гапдаги *Charlotte Ladram* аппозитив алоқа асосида субстанциал идентификацияловчи синтаксемани ( $SbId_2$ ), билвосита ядро предикатив алоқа воситасида идентификацияловчи ва идентификацияланувчи синтаксемаларни ифодалайди ( $SbId_2Id_1$ ). Чунки *Charlotte Ladram* субстанциал идентификацияланувчи ( $SbId_1$ ) синтаксема *the woman* билан аппозитив алоқа асосида, идентификацияловчи *niece* ифодалаган синтаксема билан ядро предикатив алоқа асосида боғланади. Бундай боғланишларни таснифлашда ўрин алмаштириш усулидан фойдаланиш мумкин:

*The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram → The woman was Charlotte Ladram -  $SbId_1, SbId_2$  ёки The woman was Beatrix Abberley's niece, Charlotte Ladram → Charlotte Ladram was Beatrix Abberley's niece –  $SbId_1, SbPs, SbId_2$ .*

Қуйидаги модель орқали содда гап таркибидаги синтактик бирликларнинг бир йўла уч хусусияти: компонент таркиби, морфологик хусусияти ва синтаксем таҳлилини кўришимиз мумкин.



негатив синтаксемалар билан алоқага киришади;

2) субстанциал идентификацияловчи экзистенциал синтаксема – идентификацияланувчи процессуалэкзистенциал синтаксема билан алоқага киришади;

3) стативлик юклатилган субстанциал идентификацияловчи синтаксема –



субстанциал идентификацияланувчи квалификатив статив синтаксема билан боғланади.

Валентли компонентларни ўрганиб чиқиб қуйидаги хуносаларга эришдик:

1. Жаҳон тилшунослигида валентлик назарияси вербоцентризм концепти асосида, лексикографик жиҳатдан феълнинг лексик маъноси билан боғлаб ўрганилади, аксарият ҳолларда семантик валентликка ишора қилиниб, феъллар тилнинг лексик сатҳидан келиб чиқсан ҳолда валентликларга ажратилади. Аммо бундай қарашлар синтактик сатҳда тадқиқотчига равон йўлланма беролмайди. Бизнинг фикримизча, гап қурилмасида валентлик факат феълга хос ҳодиса бўлмасдан, балки ҳар қандай синтактик бирлик гапда бир синтактик алоқа асосида иштирок этса – бир валентли, икки синтактик алоқа асосида – икки валентли, уч синтактик алоқа асосида – уч валентли компонент ҳисобланади.

2. Структурал синтаксисдаги синтактик алоқалар масаласига эътибор қаратилиб, синтактик алоқалар сифатида эътироф этиб келинган мослашув, битишув, бошқарувлар муҳокама қилинди ва мослашувнинг морфологик, битишув ва бошқарувнинг лексик алоқа эканлиги

ҳақида фикр билдирилди. Шунингдек, А.М.Мухин ва унинг шогирдлари томонидан ишлаб чиқилган ядро предиктив, субординатив, координатив, ноядровий предиктив ва аппозитив синтактик алоқага таянган ҳолда, синтактик алоқалар базасида валентлик назариясига аниқлик киритилди.

3. Моновалентли ва поливалентли компонентлар иштирок этган гапларнинг ташки қурилмаси компонент ва юнкцион моделлар ёрдамида кўргазмали равища таҳлил қилинди, ички қурилмаси эса синтаксем таҳлилда очиб берилди. Уларнинг синтактик алоқалар асосида бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари трансформация методининг турли хил усусларидан кенг фойдаланиб исботланди.

4. Аниқланган синтаксемаларнинг ҳар бири қиёсий типологик жиҳатдан қардош ва қардош бўлмаган тиллар мисолида тадқиқ қилинишига кенг йўл очилади. Юнкцион, компонент ва синтаксем таҳлил методлари орқали аниқланган синтаксемалар алоҳида тил материали сифатида ўрганилиши давом эттирилса, компьютер лингвистикасида автомат таржима учун лингвистик таъмин яратишида асос бўлиши мумкин

### Адабиётлар

1. Аристова Е.Б. Субстантивные варианты агентивной синтаксемы // В Лингвистические исследования. Синтаксический анализ разносистемных языков.– Москва: АН России, 1979.– С.8-13.
2. Ашурев Ш.С. Инглиз ва ўзбек тилларида кесим типологияси // Филол. фан. номзод. диссертация.– Самарқанд, 2007.-153 б.
3. Вальмис А. Приложение в Эстонском литературном языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук.– Таллин, 1973.-25 с.
4. Жоллыбекова М.Р. Типология неполных предложений диалогической речи в разносистемных языках (на материале английского и каракалпакского языков). Дисс. канд. филол. наук.– Нукус, 2008.-156 с.
5. Кацнельсон С.Д. О грамматической категории. Вестник ЛГУ, 1948.– №2. – С.130-138.
6. Кубейсинова Д.Т. Синтаксико-семантические особенности личных местоимений в структуре предложений современного английского языка. Дисс. канд. филол. наук.– Нукус, 2008.-151с.
7. Мухин А.М. Модели внутренних синтаксических связей предложений // Вопросы языкознания.– Москва: 1970.– №4.– С.68-80.
8. Мухин А.М. Структура предложений и их модели. – Ленинград, Ленинград отд.: Наука, 1968.-230с.



9. Облокулова М.М. Инглиз тили гап структурасида феълнинг шахссиз шаклларининг функционал таҳлили. Филол. фан. фал. док. дисс. автореферати.– Тошкент, 2017.-20 б.
10. Павлов В.О. Об импликативности валентности прилагательных // Герценовские чтения. Иностранные языки. Материалы конференции. С. – Петербург: Образование, 1994.– С.18-24.
11. Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка, 2-ое изд.– Москва: Высшая школа, 1968.-320 с.
12. Сапрыкина И.Г. Типы аппозиционных структур в современном английском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук.– Горький, 1965.-26с.
13. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. Перевод с фран. – Москва: Наука, 2007.-670 с.
14. Усмонов Ў.У. Гап таҳлилига янгича ёндашув // Ҳалқаро илмий-назарий анжуман. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2004.– Б.105-108.
15. Erben J. Abriss der Deutschen Grammatik. 9. Unverändert. Auf 1. –Berlin, 1966.-316 s.
16. Somers H.L. On the Validatofyof the Complement – adjunct distinction in Valency Grammar // Linguistics, 1984.– V.22. №4.– P. 113-126.
17. [en.m.wikipedia.org/wiki/Deep\\_structure\\_and\\_surface\\_structure](https://en.m.wikipedia.org/wiki/Deep_structure_and_surface_structure) (December, 2017).

**Асадов Р. Анализ валентных компонентов в структуральном синтаксисе.** В данной статье рассматривается теория синтаксической валентности, принципы их определения и выявление синтаксем выражение валентными компонентами в английских простых предложениях с точки зрения структурального синтаксиса.

**Asadov R. Analysis of valency components in structural syntax.** The present article deals on theory of syntactic valency, principles of defining syntactic valency, and revealing syntaxemes expressed by valency components in English simple sentences from the structural syntax point of view.